ИТЕРАТИВ СЕМАНТИКА ҲОСИЛ БЎЛИШИДА СУБЪЕКТ ВА ОБЪЕКТ МУНОСАБАТЛАРИ

Джураев Ботир Илхомович
Самарқанд давлат чет тиллар институти эркин тадқиқотчиси

Тузилиши жиҳатдан қардош бўлмаган тилларни қиёсий типологик тадқиқ қилиш ҳам назарий ҳам амалий нуқтаи назардан аҳамиятлидир. Бундай текшириш тил тараққиётининг умумий ва ўзига хос тенденцияларини аниқлаш имкониятини яратади. Қиёсий ўрганиш бир тилда маълум грамматик шакллар орқали ифодаланган маъно иккинчи тилда қандай воситалар билан ифодаланиши, қиёсланаётган тиллардаги у ёки бу тил бирлигининг маъно кўлами жиҳатдан мос келиши-келмаслигини аниқлаш учун ҳам ёрдам беради[1]. Итертив семантика ҳосил бўлишида субъект ва объект муносабатлари ҳам предикат ифодалайдиган такрорийлик, сериялик маъноларни ифодалаш имконига эга. Кўпгина ҳолларда такрорланувчи ҳаракатлар феълнинг бир карралик (семельфактив)маъносига боғлиқ бўлади. Бунда субъект ҳаракатнинг кўп карралиги ёки бир карралиги ҳар бир тил табиатига боғлиқ бўлиб, феълга қўшимча лисоний бирликлар қўшиш орқали амалга оширилади ёки алоҳида феъл сифатида намоён бўлади. Жумладан инглиз тилидаги *to cough, to knok, to tap* ва шу каби семельфактив феъллар лексик жиҳатдан кўп карралик маъносига эга. Мазкур маънонинг бир карралиги эса алоҳида бирикмада ифодаланади. Таъкидланган феъллар ўз морфологик хусусиятини ўзгартирган бўлса-да бирикманинг мазмунини субъект ҳаракатини ташкил қилувчи компонент вазифасини бажаради, *to give a cough, to give a knok, to give a tap.* Ўзбек тилида ҳам ушбу феълларнинг эквивалентлари мавжуд бўлиб, улар ҳам субъект ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўп карралик маъносини англатиб келади: *йўталмоқ, тақиллатмоқ, саваламоқ* ва ҳакозо. Хусусан, *йўталмоқ* феълининг бир карралиги *йўталиб қўймоқ* етакчи ва кўмакчи феълли аналитик шакл ёрдамида ифодаланса, *тақиллатмоқ* феълининг бир карралиги *тақ этиб урмоқ* бирикмаси билан ҳосил бўлади. Масалан: Икромжон болалик излари тушган йўллардан, тор кўчалардан ёғоч оёқ билан аллавақтгача кезиб уйга қайтди. Хотини ухламай, тиқ этса, эшикка қараб ўтирган эди. Икромжон ётмади. Эр-хотин чойни майдалаб шу бир-икки йил ичида бўлиб ўтган воқеаларни гаплашиб ўтиришди (Ў.Ҳоўимов, 269).

Ҳар иккала тилда ҳам кўп ёки бир карралик итератив маънолар контекстга узвий боғлиқ ҳолда юзага келади. Қиёсланг: He tapped his coat over the region of his chest exultantly.(O'Henry,226); The stationery shop was closed for business so the twins knocked at the door beside the shop.(Meave Binchy 47); Низомжон шердек бўкириб ўрнидан туриб кетди. У қалт-қалт титрар, кўзлари қинидан чиқай деб опасига ўқрайиб қарар эди (С. Аҳмад, 258); Жаннат хола ўрнидан турди-да, битта-битта босиб кўча эшигидан ташқарига қаради. - Дала офтобда яширинди. Кимдир тўқ-тўқ теша уриб ишкомга поя кесаяпти. Катта ернинг охиридагитош йўлдан юк машинаси гуриллаб ўтиб кетди (С. Аҳмад, 264). Мазкур мисоллар кўрсатадики, итератив маъно бевосита субъект ҳаракати кванти сифатида баҳоланади ҳамда контекстдаги қўшимча карралик маъносини англатувчи бирликлар ёрдамида ифодаланган.

Субъект ҳаракати билан боғлиқ итератив маъно бевосита семельфактив гуруҳига тегишли феъллар ҳаракат семантикасига тегишли саналади. Шунинг учун ҳам мазкур гуруҳга тегишли феъллар итератив вазиятни тасвирловчи субъект ҳаракати сифатида баҳолаш мумкин.

[1] Решетов В. В. Некоторые актуальные вопросы изучения русского языка в национальной школе // РЯНШ, 1961 №1. с 13.

Масалан: а) Twice the slender Kennedy, carelessly elegant, tossed the ball. He nodded his ruddy, foxy head high with hair and smiled when he missed. (Saul Bellow, 58); б) But he shook his head as if he’d thought better of it and placed a tick alongside the figure. (Liz Fielding, 27); в) Икром бошини сарак-сарак қилди, жаҳл билан кўкрагига муштлади (Саид Аҳмад, 289); г) Жаннат хола суратни олиб, дағ-дағ титраб турарди (Саид Аҳмад, 294). Инглиз тилидаги келтирилган (а) мисолда *to toss, to nod* семельфактив феъллар итератив вазиятни юзага келтирган. Ўзбек тилидаги (в), (г) мисолларда эса итератив вазият *муштламоқ, титрамоқ* семельфактив феълларидан ташқари такрорланувчанликка қўшимча стилистик ифода берувчи *сарак-сарак, дағ-дағ* каби субъект ҳаракатини тасвирловчи лисоний бирликлар ёрдамида амалга оширилган. Кўринадики, маълум итератив вазиятнинг ифодаланиши инглиз тилида фақатгина феълнинг семельфактив семантикаси ва объектга таъсир этиш маъноси билан амалга оширилса, ўзбек тилида ушбу маънони англатувчи феълнинг лексик маъносидан ташқари мазкур маънога эга бўлган субъект ҳаракатининг тасвирий ифодали воситалари ҳам аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Решетов В. В. Некоторые актуальные вопросы изучения русского языка в национальной школе // РЯНШ, 1961 №1. с 13.
2. Comrie B. Aspect. Cambridge, 1976. 262 p.
3. Curme G. A grammar of the English Language. Boston. Vol 2. 1935. -386P.
4. Shodiyev S.E. Bio-social need to the study of lexical meaning. Journal of Positive School Psychology http://journalppw.com 2022, Vol. 6, No. 9, 4771-4777
5. https://www.academia.edu/95591457/abdulla_oripov_she_rlarida_tasavvur_va_obraz